

Доц. Р. Норматоматов, ассис. Б.Э. Хожикүлов, ассис. Мирзаев С.Г.

Сифат экспертизаси хизмати кўрсатиш соҳасида илмий ходимлар тайёрлашнинг ўзига хос-хусусиятлари

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жисмоний шахснинг биологик ва социал мавжудот сифатидаги эҳтиёжлари бу эҳтиёжларни қондириш заруриятини келтириб чиқаради. Ушбу эҳтиёжларни қондирмай туриб баркамол инсонни, шахсни, фуқарони шакллантириб бўлмайди. Шу сабабли ҳам инсоннинг моддий, маиший ва бошқа эҳтиёжларини қондириш – бу ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Инсоннинг моддий, маиший, маънавий эҳтиёжларини қондиришдан инсон ҳам, жамият ҳам тенг даражада манфаатдордир. Аини пайтда бу эҳтиёжларни қондириш шунчаки оддий жараён эмас. Агар таракқиётнинг тарихий босқичларида ривожланмаган натурал хўжалик устуворлик қилган даврларда инсон ўз эҳтиёжларини асосан ўзи қондирган бўлса, бугунги кунда у бунга қодир эмас. Чунки, биринчидан, инсон эҳтиёжлари доираси кенгайди, иккинчидан, ҳар қандай товар, иш, хизмат уни тайёрловчи ёки амалга оширувчидан махсус малака ва билим талаб этади. Демак, ишлаб чиқарилаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириши учун юқори сифат даражасига эга бўлиши керак.

Сифат тушунчаси қадимий тушунча бўлиб, кўплаб олимлар унга турлича таъриф беришган. Жумладан, Аристотель фикрича: “Сифат шундай мавжуд турга хос аломатки, у бир мавжудликни, унинг турига хослигини бошқа мавжудликдан, худди шу турга кирувчидан ажратади”, яъни “нарсаларни таққослаб баҳолашга оид хусусиятдир” (1).

Гегель эса “Шундай нарсалар борки, ўзининг сифатига қараб борлигини тасдиқлайди”, деб таъкидлайди (2). Бугунги кунда ҳам товар (иш, хизмат) сифати – тадбиркорлик фаолияти фойдалилигини белгиловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Демак, сифат бу – биринчи галда фарқ, иккинчи галда ишонч, учинчи галда баҳо, тўртинчи галда обрўни белгилайди.

Шу сабабли мамлакатимизда товар (иш, хизмат)лар сифатини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнгги йилларда Республикаимизда қабул қилинган “Стандартлаштириш тўғрисида”ги (1993 й.), “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги (1993 й.), “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги (1997 й.), “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (1996 й.) ва бошқа қабул қилинган қонунлар фикримизнинг яққол намунаси дир.

Бу келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, бугунги кунда сифат экспертизаси хизматини ташкил этиш зарурияти мавжуд ва у сертификатлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Экспертиза хизматини кўрсатиш асосида қуйидагиларни аниқлаш мумкин бўлади:

- а) экспертиза объекти сифатида қаралаётган товарнинг, хизматнинг турини аниқлаш ва баҳоси шартнома ҳужжатларида келтирилган кўрсаткичларга мос келиши;
- б) товар, хизмат сифатини кўрсаткичларининг тегишли меъёрий ҳужжатларда келтирилган миқдорларга мос келиши ва келмаслиги;
- в) товар, хизматлар сифати даражасининг ўзгартирилганлигининг баҳо ўзгаришига мутаносиблиги;
- г) товарни сақлаш қоидаларига риоя қилинганлиги, агар риоя қилинмаган бўлса айнан қайси босқичда ва ким томонидан бу қоида бузилганлиги (келтирилган зарар ҳажми);
- д) товарнинг сифатсизлиги аниқланганда яширин нуқсонларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ва бошқалар.

Маълумки, бошқа хизматлар соҳасида бўлгани сингари экспертиза хизмати кўрсатиш соҳасини ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган юқори малакали кадрларсиз тасаввур қилиш қийин. Шу сабабли сифат экспертизаси хизмати кўрсатиш соҳасида ҳам юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилиши керак. Чунки, кўп даражада мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси, уларнинг фаровонлиги, пировардида соғлом турмуш тарзини шакллантириш айнан шу хизмат турига ҳам боғлиқдир. Бу борада институтимизда 5811600 – “Сервис (сифат экспертизаси, хизмат кўрсатиш ва ишлар сертификацияси)” йўналиши бакалавриатурасига 2006/2007 ўқув йилидан бошлаб талабалар қабулига рухсат этилиши айтилиши айни муддао ҳисобланади. Энди асосий вазифа бугунги кун талабига жавоб бера оладиган юқори малакага эга мутахассисларни чиқаришдан иборатдир. Бу бакалавриат йўналиши янги йўналиш бўлганлиги сабабли талабаларни ўқитиш борасида бой тажрибага эга эмасмиз. Лекин, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, бошқа олий ўқув юртлири тажрибасини ўрганиш, сифат экспертизаси хизмати корхоналари билан узвий алоқаларни ўрнатиш, ҳар бир профессор-ўқитувчининг ўз малакасини ошириш борасида кунт билан иш олиб боришига эришиш ҳисобига юқори таълим сифатини таъминлашга эришмоқдамиз.

Ҳамма соҳаларда бўлгани сингари бугунги глобаллашув жараёнида сифат экспертизаси хизмати кўрсатиш соҳасини ҳам фан ютуқларини амалиётда қўллай оладиган илмий ходимларсиз тасаввур қилиш қийин. Бизнинг фикримизча сифат экспертизаси хизмати кўрсатиш соҳаси илмий ходимлар тайёрлаш бугунги кунда устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бу устувор вазифаларни амалга оширишда эса қуйидагича ёндашувларни белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Энг аввало, “Сервис (сифат экспертизаси, хизмат кўрсатиш ва ишлар сертификацияси)” йўналишида таълим олаётган шу соҳага қизиқувчан иқтидорли талабаларни танлай билиш ва уларнинг мақсадга йўналтирилган ҳолда билим олишини таъминлаш ва уни ташкил этиш. Бу эса пировардида талабанинг сифат экспертизаси хизмати бўйича долзарб мавзуда битирув малакавий ишини танлашига ва бажаришига асос бўлади. Шунинг эътиборга олиб, биз бакалавриатни тугатган иқтидорли талабаларни магистратурада ўқишга тавсия беришимиз ва магистратурада битирув

малакавий иши устида ишлаб, айнан шу мавзуда магистрлик диссертациясини бажаришига кўмаклашимиз зарур бўлади. Лекин, бу ерда асосий муаммолардан бири шу ихтисослик бўйича магистратура очилиши ёки очилмаслигидир. Бу борада ўтган йили қанча уринишларга қарамай «Товаршунослик ва товарларнинг тижорат экспертизаси» бакалавриати йўналишини битирган талабалар учун магистратура очилмаганлигини бошқа мутахассисликка киришга рухсат этилмаганлигини мисол қилиб келтириш мумкин. Айтайлик, мазкур йўналиш бўйича магистратура очилиб талаба магистратурада магистрлик диссертациясини ёқлади ҳам, дейлик. Агар у илмий иш қилиш истагини билдирса, у яна бир тўсикка дуч келади. Чунки, айнан шу мутахассислик бўйича кундузги ўқишга асосланган аспирантура мавжуд эмас. Демак, бу ихтисослик бўйича илмий ходимлар тайёрлашда институтимизда аспирантура очилишига ҳам эришишимиз лозим.

Аспирантура очилмасда магистратурани битирган ёш изланувчи, аспирант-тадқиқотчи бўлиб ҳам илмий ишларини давом эттириши мумкин. Сифат экспертизаси хизмати соҳасида эса илмий-тадқиқотчидан илмий-тадқиқот ишлари олиб бориши учун табиий фанлардан, хусусан химия, физика, тадқиқотларнинг физик-кимёвий услублари, экспертиза асослари фанларидан чуқур билим, мушоҳада қилиш ва тадқиқотчига хос қобилият бўлиши талаб этилади. Бу соҳада илмий изланишлар олиб боришнинг ўзига хос-хусусиятларидан яна бири шундаки, кўпчилик ҳолларда бу соҳада экспериментал-тадқиқотлар натижасига бирданга эришиб бўлмайди. Баъзи ҳолларда натижага эришиш бир неча кунни, ҳатто ойларни талаб қилади. Бу каби қийинчиликларни ҳамма изланувчилар ҳам енгиб ўтолмайди.

Бу борада илмий кадрлар тайёрлашдаги яна бир қийинчиликлардан бири номзодлик диссертацияларини ёқлаш учун махсус кенгашнинг йўқлиги. Бу ҳам номзодлик диссертацияси тайёр бўлган ходимга анча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Лекин, шу нарсани таъкидлаш жоизки, мақсадга эришиш сари тинимсиз меҳнат қилган киши ўз мақсадига албатта эришади. Бизнинг ишончимиз комилки, “Сервис (сифат экспертизаси, хизмат кўрсатиш ва ишлар сертификацияси)” йўналишида таҳсил олаётган талабаларимиз орасидан ҳам ҳаёт йўлини илм-фанга бағшида қиладиган инсонлар албатта топилади. Маркетинг кафедраси профессор-ўқитувчилари эса бундай ёшларимизнинг ўз мақсадларига эришишида билимини, куч ғайратларини аямайдилар.

Адабиётлар

1. Аристотель. Метофизика. М., К34, 94-95 бетлар.
2. Гегель. Энциклопедия философских наук. Л., 1930, ТОМ 1, 157-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига шарҳ. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.